



ТИЛШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

Ҳамидов Лутфулло Паизуллаевич

PhD. Самарқанд давлат чет тиллар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7627859>

Аннотация: Мазкур мақола тилшунослик тадқиқотларида интертекстуаллик тушунчасининг талқини ҳақида ёзилган. Интертекстуаллик тушунчасига куплаб олимлар томонидан келтирилган таърифлар баён этилган. Бир неча олимларнинг фикрларини умумлаштирган холда, биз интертекстуалликни тор тушуниш моделига Богранд ва Дресслерларнинг матнлилик концепциясидаги интертекстуалликнинг таърифини ҳам киритишимиз мумкин. Бу концепцияда интертекстуаллик - матнларнинг яратилиш ва идрок қилиниш шароити сифатида қаралиши мумкин.

Калит сўзлар: концепция, таъриф, интертекстуал, матн, идрок, муносабат, муайян, предмети, моҳият, мазмун.

Abstract: In this article is written about the interpretation of the concept of intertextuality in linguistic research. The concept of intertextuality has been defined by many scholars. Summarizing the opinions of several scholars, we can include the definition of intertextuality in the concept of textuality by Bogrand and Dressler in the model of narrow understanding of intertextuality. In this concept, intertextuality can be considered as the conditions of creation and perception of texts.

Keywords: concept, definition, intertextual, text, perception, relationship, specific, subject, essence, content.

Аннотация: В данной статье написано о трактовке понятия интертекстуальности в лингвистических исследованиях. Понятие интертекстуальности определялось многими учеными. Обобщая мнения ряда ученых, мы можем включить определение интертекстуальности в концепцию текстuality Богранда и Дресслера в модель узкого понимания интертекстуальности. В этой концепции интертекстуальность можно рассматривать как условия создания и восприятия текстов.

Ключевые слова: понятие, определение, интертекстуальное, текст, восприятие, отношение, конкретное, предметное, сущность, содержание.

Бугун интертекстуаллик ҳодисанинг аниқ таърифини бериш анча мушкул, аммо, ишонч билан айтиш мумкинки, тадқиқотчилар интертекстуаллик сифатида матнлар ўртасидаги муносабатни тушунишни



ITALY



ITALY

яқдиллик билан қўллаб – қувватлашади. [4:25]. Р. де Богранд ва М. Ор томонидан интертекстуалликнинг, бир томондан, матн аниқ нусхасининг матннинг муайян тури билан ўзаро алоқасини, иккинчи томондан эса, унинг бошқа матн ёки бошқа матнлар билан ўзаро нисбатини кўрсатадиган белгилар сифатида тушунилиши бу ҳодисани талқин қилишдаги ёндашувлардан бири бўлиб [6], бизнингча, бу масalani Г.Аллен, М.Риффатер ва В.Е.Чернявскаялар анча батафсил ёритиб берган [7]. Улар интертекстуаллик концепциясига умумий шарҳ беришади. “Интертекстуаллик” атамаси француз тадқиқотчиси Ю. Кристева томонидан 1967 йили нашр қилинган “Бахтин, сўз, диалог ва роман” мақоласида таклиф қилинади. Бахтин ғоясининг давом эттирувчиси сифатида, Ю. Кристева интертекстуалликни – “узлуксиз ва ҳамма нарсани қамраб оладиган матнлараро ўзаро боғлиқлик” - “матнларнинг умумий жиҳати ва умуман матнлилик” сифатида талқин қилади [1]. Ўшандан бери интертекстуаллик тилшунослик тадқиқотларининг предмети бўлиб қолди.

В.Е. Чернявская бу ҳодисанинг моҳиятини аниқлашга нисбатан ёндашувда иккита моделни - интертекстуалликнинг кенг концепциясини ва белгиланган интертекстуалликнинг тор моделини ажратишни таклиф қилади. Уларнинг ҳар бирига қисқача тўхталамиз.

Ю. Кристева, “интертекстуаллик” атамасидан фойдаланиб, бу атама билан умумий матн маконини (интерматнни) белгилайди. Бу макон ўз таркибига бутун бир тарихий-маданий тажрибани киритади, бу - “чегарасиз, чексиз, ўзининг ҳар бир парчасида интерматнли матндир” [2:437]. Муаллифнинг ишларида бундай интертекстуаллик матннинг универсал тавсифи, умуман матнлиликнинг ажралмаси хусусияти сифатида намоён бўлади. Бироқ, интертекстуалликни бундай кенг универсал тушуниш уни амалиётда қўллашда, бутун матн структурасини талқин қилишда баъзи қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Интертекстуалликнинг тор концепцияси, аксинча, муайян амалий аҳамият касб этиб, тадқиқ қилинаётган матнларда бу ҳодисани аниқлаштиришга имкон беради. Бунда интертекстуалликни яна “атайлаб белгиланган” интертекстуаллик ҳам деб аташ қабул қилинган. Тор интертекстуаллик тор маънода матнларнинг умумий хусусиятини эмас, муайян матнлар ёки матнлар турларининг алоҳида хусусиятини ўрганади. Бундай ҳолатда “муаллиф матнлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни атайин мавзуларга кўра таснифловчи, махсус формал воситалар ёрдамида уни



ўқувчи учун очиб берувчи” интертекстуаллик тўғрисида гапириш мумкин [4:30-31]. Яъни муаллиф бошқа матнларнинг элементларини ёки парчаларини онгли равишда, матн мутолаа қилувчисининг улардан хабари борлигига таянган ҳолда, ўз муаллифлик матнига киритади.

Биз интертекстуалликни тор тушуниш моделига Богранд ва Дресслер-ларнинг матнлилик концепциясидаги интертекстуалликнинг таърифини ҳам киритишимиз мумкин. Бу концепцияда интертекстуаллик - матнларнинг яратилиш ва идрок қилиниш шароити сифатида қаралиши мумкин.

В.Е. Чернявская интертекстуалликни тор ва кенг тушуниш бир-бирини инкор этмаслигини тўғри қайд қилади. Аниқроғи, белгиланган интертекстуаллик “глобал тушуниладиган интерматннинг аниқ тимсоли, воқеланиши сифатида қўлланиши” ҳақида гапириш мумкин [4:32].

Интертекстуалликни тадқиқ қилган яна бир тадқиқотчи Г.В. Денисова бу ҳодисани тушунишда қуйидаги ёндашувларни қайд этади [1:31]: а) интертекстуалликни ҳар хил лингвомаданий кодларнинг фаол ўзаро алоқасининг натижаси сифатида ўрганувчи назария [5]; б) герменевтик анъаналарида матн “мазмунини” “матн” - “ўқувчи”нинг ўзаро муносабати сифатида қарайдиган назария [7]; в) адабиёт тарихи ҳар хил нуфузли шахсларнинг тўқнашиш натижасидир, деган назария [3]; г) адабиёт тарихи алоҳида асарлар ва адабий жанрлар тизими ўртасидаги муносабатнинг натижаси сифатида кўринадиган назария [8].

Интертекстуаллик назарияси бу ҳодисани турлича таҳлил қилишга имкон беради, уни кенг ва тор тушуниш ҳақида гапириш билан бир қаторда, унинг иқтисод матнлари, хусусан, банк фаолиятига оид матнлар доирасида воқеланиш йўллари ва воситаларини “кашф этиш” хусусида ҳам мулоҳаза юритишни мақсад қилган ҳолда, ушбу тадқиқот объектини ташкил этган банк матнларини иқтисодий мулоқот бирлиги сифатида ўрганиш жараёнида интертекстуаллик ҳодисасининг намоён бўлиш ҳолатларига эътибор қаратишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Интертекстуаллик ҳодисага берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда, қуйдаги хулосаларга келдик: банк тизими ва банк фаолияти тушунчалари тўғрисидаги масала банк матнлари мазмун кўламининг шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган марказий тушунчалардан бўлиб, улар орасида интертекстуаллик категориясига муҳим ўрин ажратилади. Бу ҳолат тадқиқот вазифаларининг қўйилишига мос келади. Матн тадқиқотларида бериладиган эътиборнинг тизимли йўналтирилган



ITALY



ITALY

ёндашувдан матн ҳодисаларини коммуникатив йўналтирилган ўрганишга томон силжиши муносабати билан матн комплекс ҳодиса, таркибий, семантик ва коммуникатив табиатга эга бўлган мураккаб лисоний белги сифатида тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Денисова Г.В. В мире интертекста: язык, память, перевод. – М.: 2003. – 298 с.
2. Крестева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман//Французская семиотика: от структурализма к постструктурализму. - М.: Прогресс, 2000. - С. 427 - 457.
3. Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности.- М.: Изд- во ЛКИ, 2008. – 240 с.
4. Чернявская В.Е. Интертекстуальность и интердискурсивность // Текст – Дискурс – Стил. Коммуникации в экономике: Сб.науч.ст. СПб: Изд- во СПбГУЭФ, 2003. – С.23-42.
5. Allen, G. Intertextuality, the new critical idiom. – Cornwall, 2000. – 300 p.
6. De Beaugrande R. Text Linguistics, Discourse Analysis, and the Discourse of Dictionaries // Les dictionnaires spécialisés et l'analyse de la valeur. Louvain-la-Neuve: Peeters, 1997. – P. 57 - 74.
7. Riffaterre M. Semiotique intertextuelle: l'interpretant // Revue d'Esthetique. 1972. - P. 128- 150.
8. Genett, Gerard. Palimpsests. Literature in the Second Degree. University of Nebraska, 1997. – 490 p.

